Ушбу сонда: 2 ҚУТЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИДА | 3 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИСИ | 4 *Истиқлол нашидаси* БАХТИ БЕКАМ ОИЛА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 20 август, жума №115 (762)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ВАТАН ОЗОДЛИГИ - ОЛИЙ САОДАТ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XV сессиясидаги маърузаси



Ҳурматли депутатлар!

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг охирги - XV сессияси улуғ байрамимиз - Мустақиллик кунининг саккиз йиллиги арафасида ўтмоқда.

Тарих учун саккиз йил катта муддат эмас. Лекин, холисона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонга ярим мустамлака, хом ашё етиштирувчи ўлка деб қараган, халқимизнинг миллий туйғуларига хос бўлган барча қадриятларни менсимасдан, тарихимиз, тилимиз ва маданиятимиз, анъана ва одатларимизни поймол этган зўравон ва манфур тизим барбод бўлди.

Таянчиси лаббайчи тўралар, амалдорлар, пойдевори маъмурий буйруқбозлик бўлган эски, ўта мафкуралашган, халқни ювош, итоаткор оломон деб биладиган тизим ўтмишда қолди.

Бугун юртимизда демократик, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйилмоқда, кўпукладли, барқарор ривожланаётган бозор иқтисоди асослари шаклланмоқда.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шаҳарларимиз, қўрғонларимиз ва қишлоқларимиз, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бутун бошли йирик тармоқларида кишини лол қолдирадиган ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, янгиланиш, ислоҳотлар жараёни амалда турмушимизнинг деярли барча - сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳалари, жамият ва давлат қурилиши соҳаларини қамраб олмоқда.

Энг муҳими, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу жараёнлар билан биргаликда биз ўзимиз ҳам ўзгаряпмиз, дунёқарашимиз, янгиликларга муносабатимиз мутлақо ўзгармоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар авваламбор ўз кучига суяниб ўз тақдири, оиласи келажагини ўзлари белгилайдиган бўлмоқдалар, ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Хуллас, халқимиз бугун ўз ҳаёти, келажагининг ҳақиқий ижодкорига айланмоқда. Бу, менимча, бундан кейин ҳам одамлар онгида ривожлантириш керак бўлган энг катта ютуқдир.

Азиз ватандошлар!

Бугун ўтган даврни кўз ўнгимиздан ўтказиб сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, барчамизни мана шу кунларга етказган, эзгу ниятларимизни амалга оширишда, рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга минг-минг шукроналар, ҳамду санолар айтишимиз лозим.

Ўтган давр мобайнида улуғ ва ягона мақсад учун - Ватанимиз келажаги, эртанги ёруғ кунимиз, турмушни фаровон, юртимизни обод қилиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб обрў-эътибор топиш, Ўзбекистонни улуғлаш, ўзбек номини бутун жаҳонга тараннум этиш йўлида сиз халқ ноиблари билан бирга баҳамжиҳат иш олиб бордик.

Энг муҳими, биринчи чақириқ асосида ташкил топган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўппартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди.

Мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида, янгиланиш жараёнида, ислоҳотларга қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттиришда, барча самарали ишларимизда Олий Мажлиснинг бош-қош бўлиб турганини биз бугун катта мамнуният билан қайд этамиз.

Олий Мажлиснинг бугун тақдим этган беш йиллик ҳисоботини, сўзга чиққан халқ депутатларининг билдирган фикрлари ва берган баҳоларини, бир сўз билан айтганда, Олий Мажлиснинг беш йил давомидаги фаолияти, амалга оширган тадбирлари ва халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обрў-эътиборини, аввалмбор, Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиғи деб биламан.

Ҳаёт, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Шунга монанд равишда жамиятимиз, унинг узлуксиз қисми бўлмиш парламентимиз ҳам, депутатлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Мен бугун сиз азизларнинг юзингизга, кўзингизга қараб, сизга ишонч билдирган миллионлаб сайловчилар олдида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Халқимиз, сайловчиларингиз олдида, ўз виждонингиз олдида - мен бурчимни ҳалол ва сидқидилдан бажо этдим деб айтишга ҳаққингиз бор, албатта. Мен бу ҳақиқатни катта фахр ва катта ифтихор билан таъкидлаш лозим деб биламан.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Бугун мана шу минбарда туриб сиз азизлар билан олдимизда турган ўта муҳим бир вазифа бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимиз, халқимиз ҳозир муҳим сиёсий-ижтимоий воқеалар арафасида турибди. Бугунги сессияда Президентлик лавозими ва Олий Мажлис депутатлигига бўлажак сайловларнинг муддати белгиланади. Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади.

Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари айниқса яққол намоён бўлади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда биз бугун мамлакатимизда мавжуд бўлган вазиятга, аввалмбор танқидий баҳо бериб, саккиз йил давомида барпо этилган, аввалмбор Конституциямиз, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳуқуқий базага ва халқаро андозаларга суяниб, таяниб, олдимизда турган улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан, мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиб чиқишимиз учун зарур моддий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз даркор.

Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шу масалаларга муфассалроқ тўхталиш лозим деб ўйлайман.

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз - қабул қилинган қонунларимизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишни таъминлашдир.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг қўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, бундай мамлакатларда аҳолининг, аввало сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабатлари, сайловларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, уларга тайёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп - ўн, балким юз йиллар давомида шаклланганини ва кўп синовлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.

Ҳисобга олиш дегани, аввало, уларни синчиклаб ўрганиш, танишиш, сайловчилар орасида тушунтириш ишларини олиб боришда, мутасадди ташкилотлар ва фаоллар билан ўқув машғулотлари ва семинарларини ўтказишда бу илғор тажрибаларга суянишдир.

Яна бир бор шуни таъкидлашни истардимки, бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир хунук ҳолатларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ва

(Давоми 2-бетда)

## ОЛИЙ НЕЪМАТ

*Бир Хожа йўлиқди ногаҳон дардга,*
*Ҳоли танг, ранги ҳам айланган зардга.*

*Қилмаган дорию, дармон қолмади,*
*Елиб югуришдан армон қолмади.*

*Дунёдан умидин узар бўлди у,*
*Охират кенгашин тузар бўлди у.*

*Хуллас паймонаси сўлганда буткул,*
*Кирди эшигида ишлаб юрган қул.*

*Қулнинг табибликка дахли бор эди,*
*Унга шу аснода омад ёр эди.*

*Қулдан бўлдимикан, Халлоқданми ё,*
*Хожа шифо топди, ба ҳаққи худо:*

*-- Аё, қул, сен бўлдинг дардим давоси,*
*Қилган хизматингнинг йўқдир баҳоси.*

*Сочайин бошингдан олтин ва кумуш,*
*Олгин хазинамдан энг катта улуш.*

*Истасанг, мулкимнинг тенг ярмин берай,*
*Токи мен қулимни шод, хуррам кўрай.*

*Қул деди: -- ҳозирман хизматингизга,*
*Рахмат ҳам айтурман ҳимматингизга.*

*Бироқ ҳозиргина дедингиз Хожам,*
*Яъни хизматимга баҳо йўқ ҳеч ҳам.*

*Лекин олтиннинг ҳам баҳоси борку,*
*Олтиннинг баҳосин берган бозорку.*

*Ҳаттоки хуннинг ҳам нархи бор, Хожам,*
*Бебаҳонинг бундан фарқи бор, Хожам.*

*Хожа ўйлаб деди: -- нима экан у?*
*Қандайин неъмат у? Қандайин инжу?*

*Айтгин армонингни, бажаргум шу зум,*
*Ахир сен туфайли очиқдир кўзим.*

*Қул деди: -- бир неъмат бордир -- бебаҳо,*
*Унга садқа бўлсин молу мулк, дунё.*

*Фалаклар бекордир унинг қошида,*
*Малаклар бекордир унинг қошида.*

*Унга нисбат берса -- қафасдир жаннат,*
*У шундоқ тансиқ ҳис, тенги йўқ неъмат.*

*Унинг номи не, деб қистарди Хожа,*
*Сирни билмоқликни истарди Хожа.*

*Қул деди: -- бу неъмат жондан-да тотлик,*
*Номи Озодликдир, номи Озодлик!*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 август.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:***

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, N 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N 3, 38-модда/:

**1/ 26-моддасининг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

(Давоми 2-бетда)

# БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## А Х Б О Р О Т

**19 август куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси иш бошлади.**

**Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.**

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлишган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиясининг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини муҳокама қилишга киришди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М.Эгамова, Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ.Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А.Саидов, Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р.Турдиев, Ўзбекистон халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, «Адолат» социал демократик партиясининг биринчи котиби, Тошкент давлат биринчи тиббиёт институти ректори Т.Даминов, Тошкент шаҳридаги «Интер-Осиё» корпорацияси бошқаруви раиси К.Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани марказий касалхонаси бўлим мудири Б.Оразалиев, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, Хоразм вилояти Боғот тумани ҳокими Ш.Хўжаниёзова иштирок этди.

Президент Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзлади. Давлатимиз бошлиғи мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, ислоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ўзгартишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Президентимиз бўлажак парламент сайлови масалаларига батафсил тўхталиб, барча сиёсий партияларни сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий ўтказишга чақирди. Ўринсиз ваъдалар беришдан, ортиқча шов-шувлар ва сохта обрў кетидан қувишдан тийилишга чақирди. (Нутқ матбуотда эълон қилинмоқда).

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини маъқулладилар, тегишли қарор қабул қилдилар.

Молия вазири Р.Азимов депутатларга 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари ҳақида ахборот берди. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу икки масалани муҳокама қилишда «Файз» акциядорлик холдинг компаниясининг бош директори М.Азимова, Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Жиззах вилояти болалар шифохонасининг бош врачи Ҳ.Алимова, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Абдукаримов иштирок этди. Депутатлар 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичларини ва Давлат бюджетининг параметрларини маъқулладилар.

Кечки мажлис «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов маърузасидан сўнг депутатлар бу Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев депутатларга «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А.Зиёев, Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Тошкент вилояти «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик жамияти раиси М.Худоёров иштирок этди. Олий Мажлис «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сессияда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г.Йўлдошева «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Шу масала юзасидан Урганч қурилиш коллежи директори И.Бойжонов ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ.Абдураимов ўз фикрларини айтди. Депутатлар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А.Йўлдошев парламентга «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тақдим этди. «Сурхонгўштсутсаноатсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Х.Қиличев ҳамда Тошкент вилоятидаги темир-бетон маҳсулотлари заводи директори Б.Халилов сўзга чиққанидан сўнг сессия «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари М.Содиқова «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида депутатларга ахборот берди. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш.Исанов ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги туғруқхона бош врачи М.Ҳожиматова сўзга чиққанидан сўнг мазкур Қонун қабул қилинди.

Сессияда Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент шаҳар «Интранс» акциядорлик жамияти раиси Б.Қосимов ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг биринчи котиби Ғ.Машарипов иштирок этди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 20 августда ўз ишини давом эттиради.

## ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Қарши давлат университети ҳузурида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс берадиган ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ташкил этилди. Бу ерда Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги янги таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчилар малака оширади. Марказда ҳозирдаёқ юз нафардан зиёд ўқитувчи замонавий ўқитиш кўникмалари бўйича тайёргарликдан ўтди.

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Шу кунларда Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳ раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси юртимизда меҳмон бўлиб турибди.

Ташрифнинг биринчи кунида «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган Ўзбекистон-Саудия Арабистони қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтган эди. 19 август куни эса саудиялик меҳмонлар Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзларини қизиқтирган соҳалар юзасидан бевосита мулоқотлар ўтказди. Ташқи ишлар ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Универсал агросаноат биржаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти сингари қатор муассасаларда бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

## ТЕНГИ ЙЎҚ

Омон бўлгин олам аро номи достон, Ватаним,
Ойдин йўлда яшаётган тенгсиз бўстон, Ватаним.

Ўтиб кетди орзу-истак ушалмаган онларинг,
Ёруғ кунга етиб қучдинг шарафу шон, Ватаним.

Пахта, ғалланг, олтинингга энди соҳиб сен ўзинг,
Қад ростлашга яратилди катта имкон, Ватаним.

Дили яйраб-яйраб Тўра истиқлолинг алқайди,
Мангу кулсин бахт қуёшинг, Ўзбекистон -
Ватаним!

## ДУНЁ НАЗАРИДА

Ўз бахтимни кўраман элимнинг зафарида,
Халқ ишқи муҳрланган дилимнинг дафтарида.

Истиқбол эшиклари очилди, ёпилмагай,
Ибратли ишларимиз дунёнинг назарида.

Дунё, бу мўъжизадир, танламас ёш янгилик,
Энг ўткир тушунча бор гоҳ ёшда, гоҳ қарида.

Тўра, ғафлатда қолмай доноларга яқин бўл,
Қоқилмайсан бўлсанг сен нодонлардан
нарида.

## ҚАДРИМ

Қайси инсонда теран фикр, ўткир ақл бор,
Қолмас ғафлатда асло, қадам босади хушёр.

Ҳар кун фойдали ишни қилишликдан тўхтамас,
Умрнинг бир лаҳзасин ўтказмайди у бекор.

Бекорчидан безордир Худо ҳам-бежиз эмас,
Дангаса учун хорлик тақдири азалда бор.

Ақли йўқнинг қадри йўқ, ақли бор
ҳурматдадир,
Донолар илкин тутган, Тўра, бўлур бахтиёр.

**Тўра ЖУМАН.**

## Ёз — ўтмоқда соз!

# «СОҲИЛ»ДАГИ МАРОҚЛИ ДАМ

**Марказий банк Наманган вилоят Бош бошқармасига қарашли «Соҳил» болалар оромгоҳи Косонсой туманининг сўлим гўшасига жойлашган. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят қўмитаси тасарруфидаги ушбу оромгоҳ чиндан ҳам мавсумга жиддий ҳозирлик кўрди. Буни жорий таъмир ишларига 1 миллион 660 минг сўм маблағ сарфланганлигидан ҳам билса бўлади. Бу файзли масканда мавсумда 500 дан ортиқ болажонлар ҳордиқ чиқарди.**

Оромгоҳ раҳбари Баҳодир Абдуллаев бошлиқ 16 нафар тарбиячи ўғил-қизларнинг мароқли ва мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида бор имкониятларини ишга солдилар. Болажонларнинг иккинчи уйларига айланган ушбу масканда кўплаб, хусусан «Ёш экологлар», «Ёш зоологлар», «Ёш балиқчилар», «Ёш гулчилар» каби тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Улар болаларимизни атроф-муҳитни ҳимоялаш, табиатни севиш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва авайлаб-асраш руҳида тарбияламоқда.

- Фарзандларимизнинг ёзги таътилларини намунали ўтказишлари учун мавжуд имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилдик,- дейди Наманган вилоят қўмитаси раиси Мираббос Жалилов.—Уларга янги ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, шунингдек, болаларбоп фильмлар, турли спорт анжомларини ўз вақтида етказиб беришни биринчи галдаги вазифалар қаторига қўйганимиз ишимизни жонлантирди.

«Соҳил» оромгоҳида дам олаётган болажонлар бу маскандан мамнун эканликларини, янаги йили албатта шу ерда дам олиш истагида эканликларини билдирганликлари ҳам таътил кўнгилли ўтганлигини тасдиқлайди.

**Мавлуда АСҚАРХЎЖАЕВА,**
**талаба.**



**Дугонажон, дилимни**
**Ажиб ҳислар чулғайди.**
**Ҳаяжондан энтикиб**
**Бораётир юрагим.**

**Истиқлол билан бирга**
**Мен бир ёшга улғайдим.**
**Юртим тонгидек оппоқ**
**Орзуларим, тилагим.**

## АНАНАС БАРГИДАН ТОЛА

Ананас ширин ва хушбўйлиги билан машҳурдир. Бунга яна унинг бошқа фазилати ҳам қўшилади, яъни унинг баргидан жуда кўп пишиқ ва толаси шотиникига қараганда тўрт маротаба ингичка бўлган тола олиш мумкин экан.

Япониянинг «Канэбо» фирмаси ананас баргидан олинган толадан мато яратиш технологиясини ишлаб чиқди. Бунинг учун ананас барги махсус мойга ботириб олинади. Фирманинг ананасдан тайёрлаган бу кўркам маҳсулоти тагига президентнинг шахсан ўзи «бу толадан тайёрланган мато ҳамма матолардан ҳам юпқа ва жуда пишиқ» деб ёзган.

## Истиқлол нашидаси

**Истиқлол шарофати туфайли мирзачўллик Абдурасул Назаров миллион-миллион даромад соҳибига айланди. У бунга қандай эришди?**

# БАХТИ БЕКАМ ОИЛА

Абдурасул ака бу йил 70 ни қоралади. Умрининг 37 йили эса далада ўтган. Экинга сув тарашда унинг олдига тушадигани бўлмаган. Эрталабгача мижжа қоқмай сув тараган пайтлари кўп бўлган. Уни мақташарди, олқишлашарди, аммо турмушинг қандай кечаяпти, ҳовли-жойинг қалай, деб ҳеч ким сўраган эмас. 10 нафар азамат ўғил ташвиши отага сира тинчлик бермасди. Ҳовли-жой учун ер олиш ҳазилакам гап эмас эдида, у пайтлар. Мутасаддилар Абдурасул акадек меҳнаткашдан кўра бир таноб ерни афзал билишарди. У ана шундай муаммолар гирдобида юрган бир пайтда юртимизда истиқлол қуёши балқиди.

- Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз шахсий томорқа хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратди, - дейди Абдурасул Назаров. - Уч оила бир ҳовлида сиқилиб яшардик. Иккита ер участкаси олдик. Оз эмас, нақд 16 сотихдан. Ўн нафар азамат ўғилни ишга солиб бу ерларни боғроғларга буркаш пайига тушдим.

Абдурасул ака бизни томорқа сари бошлайди. Мирзачўлнинг шўрхок ерида бир туп ниҳол ундириш душвор. Аммо Абдурасул Назаровни шўрхок ер ҳам тан олгандек. Боғда мевали дарахтнинг 40 дан зиёд тури бор: чилонжийдадан тортиб, мурч дарахтигача. Куйинчак ўғиллар тиниб-тинчимас отасидан ҳам ўзиб боришаяпти. Шафтолининг беш, олманинг эса ўндан ортиқ турлари мавжуд. Томорқада бирон қарич ер ҳам эътибордан четда қолмаган. Турли сабзавот ва полиз экинлари ҳам гуркираб ўсиб турибди.

Боғбон бизни ҳовлидаги лимонзорга бошлади. Мўъжазгина иссиқхонада 60 тупдан ошиқ лимон парваришланаётган экан. 400 тупдан зиёд анор эса шиғил ҳосилдан заминга бош эгган. Оила томорқанинг ўзидан бир миллиондан кўпроқ даромад олишни мўлжаллаб турибди. Назаровлар қишлоқдаги энг катта оилалардан бири. Шу боис, унинг ташвиши ҳам катта.

- Фарзандларим мўминқобил, бир-бирига меҳроқибатли чиққанидан бошим кўкка етади, - дейди Абдурасул ака. - Уларнинг аҳиллиги боис, турмушимиз фаровон. Хонадонимизда 50 бошга яқин қорамол, 100 га яқин қўй-қўзи боқамиз. Сут-қатиқни келинлар бозорга олиб чиқишади. Томорқамиздан чиққан маҳсулотларни сотиш учун иккита дўкон очганмиз. Энг арзон маҳсулотни биздан харид қилишади.

Абдурасул ака билан суҳбатлашганимиз сайин унинг янги қирраларини кашф этгандек бўламиз. Тиниб-тинчимас бу одамда ўн йигитнинг ғайрати бордек. Бундан беш йил муқаддам уйга бир уя асаларини кўтариб келди. Шу-шу бу беозор жонивор парваришига астойдил киришди. Ҳеч қанча ўтмай, асалари уялари сонини 250 тага етказди. Ўтган йили 1 миллион сўмдан ортиқроқ асал сотди. Бу йил эса 3 тонна асал олишни кўзлаб турибди. Уч йилдирки, хонадон балиқчиликни ҳам йўлга қўйган. Ўтган йили бир тонна луқмаи ҳалол етиштириб сотди.

- Баъзан ўйга толаман, - дейди Абдурасул ака. - Оддий бир сувчи эдим. Хўжаликдан берадиган ойлик маошни кутиб яшардик. Турмушимиз фаровонлиги фақатгина мустақиллик шарофатидан деб ўйлайман.

Абдурасул ака мустақиллик туфайли амалга оширган ишлари, истиқлол берган имкониятлар ҳақида узоқ гапирди. Улар билан бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётган, аксинча, ҳали ҳам ҳурриятнинг қадрига етмаётган айрим кимсалар хусусида суҳбатлашиб, балиқчилик хўжалиги билан танишдик. Қишлоқ чеккасидаги икки гектарга яқин сойликда узоқ йиллар сув йиғилиб тўқайзорга айланиб қолган эди. Абдурасул ака ўз ўғиллари билан уни тозалаб, балиқ увилдириқларини ташлади. Дастлабки икки йиллик уриниш беҳуда кетди. Чунки сув ўта шўрлиги сабаб балиқлар кўпаймади. Ўтган йили эса анча силжишга эришилди. Бу йилги ҳаракат ҳам ёмон эмас.

Балиқчилик хўжалигига туташ майдон ҳам Назаровларга қарашли экан. От изини той босар, деганларидек, ўртанчи ўғил Ўктам Назаров бу ерда ўз деҳқон-фермер хўжалигини очди. Ўктам билан 65 гектарлик майдонда парвариш қилинаётган ғўзаларни кўздан кечирдик. Майдон бегона ўтлардан тозаланиб, йиғим-теримга ҳозирлик кўрилаётган экан.

- Рўзғордаги юмушлару дала ишлари бирлашиб, қийнаб қўймаяптими, - сўрадик Ўктамдан.

- Отам дастлаб унамади. Чунки бу ерга сув чиқариш қийин эди. Фақатгина насос орқали суғориларди, - дейди у. - Ака-укалар кенгашдик. Баҳромни тракторга ўтқаздик. Ерни оладиган бўлдик, уни ҳатто хўжалик ҳам эплай олмасдан, ташландиқ бир ҳолга келиб қолган эди. Аммо ҳеч ким қийинчиликлардан қўрқмади, заҳматдан чекинмади. Натижада 2-3 центнердан пахта бериб келган ердан нақ 30 центнердан ҳосил олдик. Мирзаобод туманида биринчи бўлиб йиллик режани уддаладик.

Назаровлар хонадонида ҳам, уларга қарашли «Ҳумо» деҳқон-фермер хўжалигида ҳам бир зум иш тинмайди. Оила аъзолари бир дастурхон атрофига йиғилган чоғ гўёки тўй бўлиб кетади. Ўн ўғил, бир қиз, саккиз келин, 50 га яқин набира Абдурасул аканинг суянган тоғлари. Шулар борки, отанинг қадди тик, бағри бутун.

- Юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги катта бахтимиз, - дейди у. -Мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар биз кексаларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Буюк келажакни ҳис қилганим сайин ёшлардек ғайратим жўшади. Биздан фақат эзгу ишлар, яхшиликлар қолади. Юртимиз тинч, халқимиз бахтиёр бўлса, шунинг ўзи биз учун катта қувонч.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Барча футбол ишқибозлари ФИФАнинг жавобини интизорлик билан кутишмоқда. Қандай сўровга дейсизми? Унда эшитинг.

Бугунги кунда Жаҳон футбол федерациялари уюшмаси (ФИФА) раҳбарларининг боши қотган. Сабаби 2006 йилда бўладиган футбол бўйича жаҳон биринчилигининг финал учрашувлари қайси мамлакатда ўтказилиши муаммоси ўз ечимини тополмаётир. Улар қайси номзодни қўллаб қувватлашни билмай турибдилар. Даъвогар мамлакатлар қуйидагилар: Германия, Бразилия, Марокаш, Англия ҳамда Жанубий Африка-

## СЎНГГИ СЎЗ, ФИФАга

дир. ФИФА раҳбарлари чемпионатни ўтказиш мақсадида амалга оширилган ишлар ва режалар битилган ҳисоботларни ушбу мамлакат вакилларидан қабул қилиб олдилар. 24 кишидан иборат махсус гуруҳ ҳисоботлар билан танишиб чиқиб, келаси йилнинг март ойида жавобни эълон қилиш ниятида. Табиийки ҳамманинг кўз қулоғи ФИФАда. Футбол тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак Жаҳон Чепионатининг финал учрашувларини қайси мамлакатда томоша қилишимизни ФИФА раҳбарлари ҳал қилади.

Жаҳон чемпионати баҳслари ўтказиладиган майдонларни кўз олдингизга келтиринг. Улар нақадар чиройли, ҳашаматли. Бундай майдонлар томошабинларга завқ-шавқ бағишлайди. Айниқса, чиройли ўйинлар бўлса. Жаҳон талабларига жавоб берадиган майдонлар борасида Германия, Бразилия, Англиянинг имкониятлари катта. Айрим мутахассислар бу «ўйин»да Германиянинг қўли баланд келишини башорат қилишмоқда. Бундай олганда бизга барибир. У қайси мамлакатда бўлмасин ажойиб футбол санъатининг гувоҳи бўлсак, бас.

## ЛАНГАР НИМА УЧУН КЕРАК?

Дорбоз дор, яъни таранг тортилган арқон устида хийла узоқ вақт мувозанат сақлаб тураолади ёки юраоладики, бизга бу жуда ғалати туюлади. Айни вақтда у санъатдир.

Хўш, бу санъатнинг асосий сири нимада? Дорбоз нега дор устида лангар ушлаб юради?

Таранг тортилган арқонда одамнинг мувозанат ҳолатида туриши учун унинг оғирлик маркази арқондан ўтувчи фазовий вертикал чизиқ устида бўлиши лозим. Бироқ бундай ҳолатда киши кўпроқ вақт бўлаолмайди. Чунки оғирлик марказининг фазовий вертикал чизиқдан салгина четга чиқиши натижасида механиклар айлантириш вазияти деб аталадиган ҳодиса оғирлик марказини вертикал чизиқдан яна ҳам узоқлаштиради.

Йиқилиб кетмаслик учун арқон устидаги киши ўз гавдасини тезлик билан шундай буриш мумкинки, натижада оғирлик маркази вертикал чизиқ устига тушади. Лекин киши бу ҳолатда қаддини дол қилиб ортиқча тураолмайди. Бунга қарши гавдани бошқа ёққа буришга тўғри келади.

Хуллас, шу тарзда у ёқ билан бу ёққа букилиб, бир мунча вақт муаллақ туриш мумкин. Улар қўлларида бирон-бир ёрдамчи нарсани ушламай узоқроқ вақт дор устида тураолишлари амри маҳол. Шунинг учун дорбозлар лангар қўллайдилар.

## ОШ СОВУМАСИН

### Ҳажвия

Қайси куни телевизор орқали берилган кўрсатув касабақўм раиси Толмас Жўраевичнинг тинчини бузди. «Нега энди биз ҳам ўз ўқувчилар оромгоҳимизга эга бўлмас эканмиз». У ўзига-ўзи кўп марталаб берган саволини бошлиққа айтди.

- Қўмита аъзолари билан йиғилиш ўтказинг, тасдиқланг, жойини белгиланг. Қарорни тақдим қилинг. Буёғи биздан.

Йиғилиш вақти ҳақида ёзилган эълон уч кун аввал осиб қўйилса ҳам унга режалаштириш бўлими ва бухгалтериядаги икки аёлдан бошқа ҳеч ким келмади. Кейинги куни Толмас Жўраевич ўзи хонама-хона юриб, бирмабир айтиб чиқди. Яна келишмади.

Дам олиш куни Толмас Жўраевич болаларининг тўполони билан мультфильмни ҳам тузукроқ кўролмади. Бақир-чақир тўполонга қараб, оромгоҳ қуриш ҳақида ўйланиб ўтирган эди, хаёлини турмуш ўртоғи бўлди.

- Келинг, дадаси, ош совуб қолди.

Бирданига Толмас Жўраевич фикри ёришди.

- Нима дединг? Яна бир қайтар.

- Ош совумасин, деяпман.

- Отанггачи, минг арава раҳмат.

...Толмас Жўраевич эртаси куни керакли одамларини бирма-бир айтиб чиқди. Кеч соат олтида бирровга йиғилишгач, сўнг касаба уюшма қўмитаси томонидан тайёрланган ошга ўтиришга таклиф қилди.

Белгиланган вақтда узунқисқа бўлиб, қўмита аъзолари раис хонасига кириб келишди.

- Бўлмаса бошладик, - деди раис ҳаммага бирбир қараб чиқиб. - Ош совумасин.

Маъруза диққат билан тингланди. Музокара бошланди. Уста Хабибулла тоға жиддий қиёфада гап бошлади.

- Ўз болалар оромгоҳинга эга бўлишга нима етсин! Мана, масалан, менинг уйимда кичик фарзандларим, невараларим, бунинг устига эридан ажралиб келган катта қизимнинг икки боласи, бир тўполон бошласа... Оромгоҳ керак, биродарлар, жуда керак. Энди мен сизларга унинг қуриладиган жойи тўғрисида айтадиган бўлсам... - бирдан унинг юзи ёришди, - Келинглар, ўртоқлар, ош совумасин.

- Бу жудаям зарур масала, - деди таъминот бўлими бошлиғи Алиқул ака.

- Бизда-ку болалар катта бўлган. Энди масаланинг бошқа томонини олиб кўрсак. Ахир уни қуриш учун озмунча материал сарфланадими, а? Бу нарсаларни топиб келтириш айтишга о... - бурчакда ўтирган омбор мудири соатига ишора қилиб, кафтини оғзига олиб келди. - Ҳа, майли, сизлар айтганча бўла қолсин. Биз ҳам қарорга қўшиламиз. Ош совумасин.

Режа бўлимидаги Альфия қўл кўтараётган эди, ўтирганлар баралла норозилик билдиришди:

- Қарор тасдиқлансин. Ахир ош совиб қолди-ку!

Иш хамирдан қил суғургандек тез битиб, ҳамма ошхонага ўтди. Ошни мақтаб-мақтаб ейишди. Ташкилотчи Толмас Жўраевич шаънига кўп илиқ гаплар айтилиб, қадаҳ кўтарилди.

...Орадан беш кун ўтиб, касса олдига биринчи бўлиб етиб келган Алиқул аканинг олдига бирданига иккита рўйхат қўйилди. Бирида оладиган маоши, иккинчисида саккиз кишининг фамилияси ва маошидан босиб қолинадиган пул. Алиқул ака ҳайрон бўлиб кассирга қараган эди, ёнида кулиб турган Толмас Жўраевични кўрди.

- Ош совумасин, - деди у кулиб. - Бизда ҳам бола-чақа бор. Ортиқча маблағ йўқ. Энди ҳар ким харажатини, дегандай...

Алиқул аканинг ортидан етиб келган Ҳабибулла тоғанинг ҳам юзидан табассум ўчди. Кейин кулиб туриб, қўл силтади:

- Майли, ҳаммаси яхшилик учун. Энг муҳими, ош совумасин...

**Темур ХАЙДАРОВ.**

## АФАНДИНИНГ ГАПИ ТЎҒРИ...

*Судья кўзойнагини тақиб судланувчига синчиклаб қаради:*

*- Кечирасиз, кўзимга иссиқ кўриняпсиз, сизни қаердадир кўргандекман.*

*- Икки йил аввал ўғлингизга скрипкадан сабоқ берган эдим...*

*Судья икки қўли билан қулоқларини беркитди:*

*- Ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилсин!*

* * *

*Соатига 40 километр тезликкача юришга рухсат берилган уйдум-чуқур йўлда ДАН ходими қоидабузарни тўхтатиб, протокол тўлдира бошлади.*

*- Соатига 100 километр тезликда бораётган эди, деб ёзолмайсизми, агар мумкин бўлса, - ялтоқланди қоидабузар ғалати илжайиб.*

*- Нега энди?*

*- Шу шалдироқ аравани қимматроққа сотсам дегандим.*

* * *

*- Доктор, биласизми, кейинги пайтда негадир чап оёғим оғрийдиган бўлиб қолди.*

*Врач беларво қўл силтади.*

*- Ҳечқиси йўқ. Бу қариликдан.*

*- Ундай бўлса, нега ўнг оёғим оғримаяпти, у ҳам шу ёшда-ку!*

* * *

*Тиланчининг қармоғига тилла балиқча илиниб қолди.*

*- Тилагингни айт, кўз очиб юмгунча бажо келтираман.*

*- Унда ... - тиланчи шартини айтди. - Фирма бошлиғи бўлишни истайман!*

*- Э, қизиқмисиз, - эътироз билдирди тилла балиқча. - Ҳозир ҳам қайси фирмачидан камсиз!*

*- Гапинг тўғри, - яна ўйлаб, бош қашиди тиланчи. - Унда, майли, дала ҳовлим бўлишини истайман.*

*- Ия, сизга бир нарса бўлдими, - тағин эътироз билдирди тилла балиқча. - Шаҳардан ташқарида, сўлим тоғ бағрида бир эмас, учта данғиллама участкангиз бор-ку!*

*- Сен ҳақсан, - тиланчи тақдирга тан бериб, кўзларига ёш олди, қўллари қалтираб одатдагидек хайр-садақа сўрашга тушди. - Мен бечора ғарибга раҳм-шафқат қилинглар...*

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 01.40

Буюртма Г— 0648. 1 2 3 4 5 6